БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 48 (4147).
27 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

Янада гўзал бўлади

Коммунистик шанбалик куни пойтахтимизда кенг миқёсда шаҳарни ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилади. Ҳозир шу куни оммавий ҳашар уюштириладиган жойлар аниқланди. Унда ҳаммаси бўлиб 920 минг киши иштирок этади. 1800 корхона, ташкилот, ўқув муассасаларининг коллективлари ободончилик ишларини олиб борадилар. Ҳашар мобайнида территориялар тартибга келтирилади, кўчат ва яшил тўсиқлар, гуллар ўтказилади.

Бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлмаган тошкентликлар эса кўчалар, майдонлар ва хиёбонларда меҳнат қилишади. Шу куни 60 минг туп кўчат ва яшил тўсиқ, 400 минг туптан ортиқ гул кўчатлари ўтказилади, уч гектардан ортиқ янги яшил зона ва гулзорлар вужудга келтирилади. 510 километрдан ортиқ суғориш шаҳобчалари тозаланади. Пассажир транспортининг бекатларидаги соябонлар, ўриндиқлар, металл тўсиқлар ремонтдан чиқарилади.

Шаҳардаги транспорт корхоналарининг коллективлари ҳам пойтахтимиз қиёфасини гўзаллаштиришга катта ҳисса қўшадилар. Улар ўзларининг 1900 та машина, 130 дан ортиқ механизмлари билан кўчалар ва турар жой массивларини тартибга келтираётган ҳашарчиларнинг оғирини енгил қиладилар.

Тошкентликларни нг коммунистик шанбаликларда актив иштирок этиши жуда яхши анъанага кириб қолди. Доҳиймиз В. И. Ленининг 110 йиллиги арафасида ўтадиган навбатдаги шанбалик ҳам ана шундай меҳнат байрамига айланади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА РАЙОН СОВЕТЛАРИГА ҲАМДА «УЛУҒБЕК» ПОСЕЛКА СОВЕТИГА 1980 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ КУНИ БЎЛГАН САЙЛОВЛАР ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА

А Х Б О Р О Т

1980 йил 24 февраль якшанба куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар, 10 та район ва битта посёлка Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловлар ҳамма ерда омманинг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларидан, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик авж олган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқидан руҳланган, юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида ўтди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар, район ва посёлка Советларига депутатлар сайлашда рўйхатга киритилган барча сайловчиларнинг 99,99 проценти иштирок этди. Овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,94 проценти шаҳар Советига депутатликка номзодлар учун, 99,93 проценти район Советларига депутатликка номзодлар учун, 99,61 проценти посёлка Советига депутатликка номзодлар учун овоз бердилар.

Халқ депутатлари шаҳар Советига 500 депутат сайланди. Жумладан: 237 нафари ёки 47,4 проценти хотин-қизлардан, 234 нафари ёки 46,8 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 135 нафари ёки 27,0 проценти ВЛКСМ аъзолари, 309 нафари ёки 61,8 проценти ишчилардан иборат.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари район Советларига 1830 депутат сайланди. Жумладан: 901 нафари ёки 49,2 проценти хотин-қизлардан, 870 нафари ёки 47,5 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан, 418 нафари ёки 22,8 проценти ВЛКСМ аъзолари, 1116 нафари ёки 61 проценти ишчилардан иборатдир.

Халқ депутатлари посёлка Советига 50 депутат сайланди. Жумладан: 27 нафари ёки 54,0 проценти хотин-қизлардан, 25 нафари ёки 50,0 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 31 нафари ёки 62,0 проценти ишчилардан иборат.

Шаҳар меҳнаткашлари коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдиллиқда овоз бериш билан Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаганликлари ва қўллаб-қувватлаганликларини изҳор этдилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

ТОШКЕНТНИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ, ЮКСАК МАДАНИЯТ ВА НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ ЎРНАТИЛГАН ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

Тошкентликлар беш йилликнинг ақунловчи йилида зарбдорона меҳнат қилишяпти. Ҳар куни В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига янги меҳнат рекордлари, ажойиб ташаббуслар тўғрисида редакциямизга хабарлар келиб турибди.

Республика пойтахтининг меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилини ленинчасига, коммунистчасига ишлаш йилига айлантириш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар. Улар республика Олий ва маҳаллий Советларига сайловларни муносиб нишонлаб, юбилейга меҳнат совғалари тайёрлашяпти, коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўришяпти.

Пойтахтни намунали коммунистик шаҳарга айлантириш учун меҳнат коллективларининг кураши, айниқса, қизғин тус олиб кетди. Тошкентликлар олдида турган вазифа мураккаб ва масъулиятлидир. Давр ўзи кўрсатганидек, бу вазифалар оғишмай амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида, башарти кишилар ишга дадил киришсалар, ташаббусга имконият яратсалар, амалий янгиликларни қўллаб-қувватласалар, муваффақият таъминланади, деб таъкидлаб ўтган эди.

Сўнгги пайтларда Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари заводи сингари бутун-бутун коллективларга коммунистик меҳнат коллектини деган ном берилди. Барча районларнинг, юзлаб корхона ва ташкилотларнинг меҳнаткашлари район, завод, бошқарма, цех номини олиш учун курашмоқдалар. Юбилей йилида тўқимачилик комбинати, «Миконд», «Таштекстильмаш» заводлари, бош кийимлар фабрикаси, 4-қурилиш трести ва бошқа кўплаб корхона ҳамда ташкилотларнинг комсомол-ёшлар коллективлари намунали бригада номини олиш учун ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Қуйида эълон қилинаётган материаллар меҳнат коллективларининг беш йилликнинг якунловчи йилидаги ишлари, ташаббуслари тўғрисида, Ўзбекистон пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун олиб бораётган кураши тўғрисида ҳикоя қиладилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Б о ш секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 февраль куни Кремлда Венгрия Халқ Республикаси мудофаа министри Лайош Цинегени қабул қилди.

Қардошларнинг тўла бирлиги руҳида ўтган суҳбат чоғида Совет—Венгрия ҳамкорлигининг ва вужудга келаётган халқаро вазиятнинг хилма-хил масалалари муҳокама қилинди.

● Ўртоқ Л. И. Брежнев 26 февраль куни Кремлда ўртоқ Л. Цинегега Октябрь Революцияси орденини топширди. У мукофотни топшириш маросимида нутқ сўзлади.

● Кеча Тошкентда лекция пропагандасини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан республика илмий-амалий конференцияси очилди. Конференция ишида партия ва комсомол комитетларининг, касаба союз ташкилотларининг, Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг лекторлари, олимлар қатнашмоқдалар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДАМ ОЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Кеча Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раислигида меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг курорт ва соғломлаштириш муассасалар қурилиши ва улардан фойдаланиш бош бошқармасининг ўтган йилги иш якунлари ва 1980 йилдаги режалари ҳақида бошқарма бошлиғи Н. Н. Ортиқхўжаев доклад қилди. Комиссия секретари А. П. Колбинцев шаҳардан ташқаридаги оммавий дам олиш зоналарининг қурилиши ҳақида маълумот берди. Шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири К. Р. Расулов меҳнаткашлар дам олишини оммавий ахборот воситалари билан пропаганда қилиш мавзуида доклад қилди. Чилонзор район комиссиясининг раиси П. Ш. Шермуҳамедов Чилонзор район меҳнаткашларининг дам олиши қандай ташкил этилаётганлиги ҳақида ахборот берди.

XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА 1980 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ КУНИ БЎЛГАН САЙЛОВЛАР ЯКУНИ ҲАҚИДА

А Х Б О Р О Т

1980 йил 24 февраль якшанба куни XVII чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўлиб ўтди. Барча сайлов участкаларида овоз бериш маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан бошланиб, кечқурун соат 22 да тугади.

Сайловлар ҳамма ерда омманинг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларидан, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик авж олган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқидан руҳланган, юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида ўтди.

Шаҳар сайлов комиссияси 500 округ сайлов комиссияларининг ҳаммасидан овоз беришнинг натижалари тўғрисида тўлиқ маълумот олди.

Халқ депутатлари шаҳар Советига депутатлар сайлашда рўйхатга киритилган барча сайловчиларнинг 99,99 проценти иштирок этди.

Овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,94 проценти коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бердилар.

Шаҳар сайлов комиссияси Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида» Қонунига биноан, ҳар бир сайлов округи бўйича овоз бериш материалларини кўриб чиқиб, шаҳар Советига 500 депутат сайланганлигини рўйхатга олди.

Депутатликка сайланганларнинг 337 нафари ёки 47,4 проценти хотин-қизлардан, 234 нафари ёки 46,8 проценти КПСС аъзоси ёки аъзоликка кандидатлар, 135 нафари ёки 27,0 проценти БЛКСМ аъзоси, 309 нафари ёки 61,8 проценти ишчилардан иборат.

Бўлиб ўтган сайловлар СССР халқлари қардошларча бузилмас дўстлигининг ҳамда шаҳар меҳнаткашларининг жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагида янада мустаҳкам жипслашганлигининг ёрқин намойишига айланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси.

ЭЗГУ ИШЛАР ЭСТАФЕТАСИ

Фрунзе районининг меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик юзасидан катта ишларни бошлаб юбордилар. Улар юбилей вахтасида туриб меҳнатда янги муваффақиятларга эришишяпти, ажойиб ташаббуслар ва починлар билан чиқишяпти.

Район коллективларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган меҳнат ишлари альбом-эстафетаси ана шу ҳақда, район меҳнаткашларининг шонли санага тайёргарлиги ҳақида ҳикоя қилади. Мазкур альбомнинг дастлабки саҳифалари районнинг энг йирик корхонаси — Тошкент тўқимачилик комбинатида тўлдирилади.

Ушбу коллектив дастлабки совет беш йилликларидан бошланадиган шонли анъаналарга эга. Бу ерда мураббийчилик, кўпстанокчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Комбинатнинг минглаб меҳнаткашлари беш йилликни муддатидан илгари адо этиш учун мусобақада иштирок этяпти, уларнинг аксарияти В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида ана шу маррага эришишни мўлжаллаб қўйишган.

Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. У. Султонова район партия комитетида эстафетани тўқимачиларга тантанали топшириш маросимида коллективнинг ютуқлари ҳақида гапириб, Б. Жўраева, Д. Қулматова, В. Солдатова, В. Катерина ва бошқа комбинат машъалларининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳамкасблар уларга тенглашишга, ёшлар улардан ўрнак олишга интилишяпти. С. У. Султонова тўқимачиларга эстафетани шараф билан олиб ўтиб, шонли сана шарафига эришилган янги хабарлар ва рапортлар билан альбом саҳифаларини тўлдиришларини тилади.

Комбинат вакиллари— тўқувчи, ёшларнинг мураббийси А. Верзилина, ўровчи А. Одарьева, комсомол-ёшлар бригадасининг етакчиси З. Габдурахмонова, смена мастери А. Бобожонова альбом-эстафетани қабул қилиб олишар экан, коллектив номидан ленинча зарбдор вахтасида янги муваффақиятларга эришамиз, деб ишонтирдилар, тўқимачиларнинг юбилей шарафига белгилаган марралари ҳақида гапириб бердилар.

Альбом-эстафе т а ўнлаб меҳнат, илмий, студентлар коллективларида бўлади. Фрунзеликлар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага шонли юбилей арафасида якун ясайдилар. Ҳозирда Тошкент тўқимачилик комбинатида сақланаётган альбом саҳифалари ана шу ҳақда ҳикоя қилади.



Коммунист Э. Бойназаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасига тупроққа гербицидларни сочувчи «ПХГ-4» маркали янги мосламаларни оммавий ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдек масъулиятли вазифа ишониб топширилган эди. «Узбексельмаш» заводи 10-цехининг пешқадам коллективи ушбу топшириқни белгиланган муддатда муваффақиятли адо этди. Утган йилги социалистик мусобақа якунларига кўра мазкур бригада ғолиб сифатида корхонанинг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

СУРАТДА: Э. Бойназаров бригада аъзолари М. Саидолимова, Е. Ралко, А. Блинов, Ф. Содиқова ва А. Риҳсибоев билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАШАРГА ЧИҚИШМОҚДА

Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтмоқда. Корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасаларининг коллективлари анъанавий ҳашарларда фаол иштирок этишяпти. Улар Ўзбекистон пойтахтини янада кўркам қилиш, уни намунали шаҳарга айлантириш истаги билан жўш урмоқдалар.

Икки ойлик ташаббускорларидан бири— Ленин районининг меҳнаткашлари ободонлаштириш ишларини аҳиллик билан бошлаб юбордилар. Улар ишдан кейин, дам олиш кунлари ўзларига бириктирилган участкаларни тартибга келтиришяпти. Шанбалик ва якшанбаликларда электротехника заводи, «Электроаппарат», «Қизил тонг», «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, фармацевтика институтининг, темир йўл ва авиация техникумларининг коллективлари яхши меҳнат қилишяпти.

Ҳашар вақтида йўл ва йўлкалар, суғориш шаҳобчалари қордан тозаланиб, кўчат ўтқазиш учун чуқурчалар тайёрланмоқда.

РАЙОН ОБОДОНЛАШЯПТИ

Шу йилнинг биринчи кварталида Куйбишев районида 28 минг квадрат метрга яқин турар жой қурилиб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу ерда янги микрорайонлар тез суръатларда барпо этиляпти, кўча ва майдонлар ободонлашмоқда. Район меҳнаткашлари биринчилардан бўлиб Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ҳаракатига қўшилишган. Бунга қурувчилар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Қорасув, трактор заводи, Шимолий-шарқ массивлари, Луначарское шоссесининг жанубий зонасида биноркорлик ишлари тез суръатларда амалга оширилмоқда. Бу ерда «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли П. Бем, Ю. Содиқов, М. Муҳаррамов бошлиқ бригадалар, 1 ва 2-уйсозлик комбинатининг монтажчилари зарбдор суръатда меҳнат қилишмоқда.

Социалистик мусобақада ғолиблик қилаётган бу меҳнат пешқадамлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача беш йиллик план ва мажбуриятларини бажаришга аҳд қилишган.

ШАХСИЙ ҲИСОБДА— МЕТАЛЛ ПРОКАТИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг ходимлари «В. И. Ленин образи тасвирий санъатда» мавзуидаги лекциялар туркумини тайёрладилар.

Революция доҳийсига бағишланган тасвирий санъат, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари Тошкент музейларидан кенг ўрин олган. Маҳсус лекциялар туркуми ана шуларга бағишланган. Жаҳон тасвирий санъатида Владимир Ильич Ленин образи ҳақидаги ҳикоя ҳам диққатга сазовордир.

Санъатшунослар бой иллюстрация материаллари намойиш этилиб ўқиладиган лекциялар билан фақат музейнинг ўзида эмас, шаҳримизнинг турли корхоналари ва ташкилотлари клубларида, маданият уйларида ҳам чиқадилар. Бу тадбирлар музей ходимларининг меҳнаткашларни ватанпарварлик ва эстетик тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишларининг бир қисми холос. Жумладан, музейда доимий якшанба кун лекторийси ишлаб турибди, мамлакатимиз ҳаётидаги шонли саҳифаларга, рус, совет ва ҳорижий рассомлар ижодига бағишланган выставкалар ташкил этилмоқда.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ГРАФИКА, ҲАЙКАЛТАРОШЛИК...

БИНОКОРЛАР СОВҒАСИ

Сергели массивида 400 ўринли тўрт қаватли ётоқхона қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширишга тахт қилиб қўйилди. «Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 3-қурилиш бошқармасининг Константин Плешков бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари бу объект қурилишида зарбдорона меҳнат қилишди. К. Плешков бошлиқ бригада бошқармада биринчилардан бўлиб коммунистик меҳнат коллективи номини олишга муяссар бўлган. Қурувчилар меҳнат ва технология қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишади.

Бу бригаданинг мусобақадошлари 1-қурилиш бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холхўжа Баҳодиров етакчилигидаги қурувчилар ҳам сергелиликларга совға тайёрлашмоқда. Улар худди шундай ётоқхона қурилишида конструкциялар монтаж қилишни тугаллашмоқда. Ҳ. Баҳодиров бригадаси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача бу объектни фойдаланишга топширишга сўз берган.

«Узстройиндустрия» республика ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли экспериментал-механика заводининг кўплаб ишлаб чиқариш илғорларини доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига бажаришга аҳд қилдилар. Ленин юбилейи шарафига бошланган мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Завод коллективи беш йилликнинг тўртинчи йили якуни бўйича бирлашманинг турдош корхоналари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, уч квартал мобайнида республика социалистик мусобақасида фахрли ўринларни эгаллаб келди.

1980 йилда ҳам завод меҳнаткашлари иш суръатини бир зум ҳам сусайтирмаяптилар.

БУГУН

корхона коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича икки ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Фарғона ва Самарқанд уйсозлик комбинатлари учун технологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ниҳоясига етказиляпти. Кенг тўрларни пайвандлаш учун автоматлаштирилган ўнлаб линиялар тайёрлаш ишлари бошланди.

Кўпгина ишлар белгиланган муддатидан илгари ниҳоясига етказилмоқда. Слесарь-йиғувчилар С. Асанов, М. Султонов, Г. Абдураҳмонов, В. Лобанов, электр-пайвандчилар В. Мячченков, Н. Кунин, токарлар А. Гомолько, А. Манаев ва бошқалар меҳнатда намуна бўлмоқдалар.

Завод коллективи 22 апрелга қадар пландан ташқари 15 минг сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш устида иш олиб бормоқда.

Корхона меҳнаткашлари Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун олиб бораётган курашга ҳисса қўшишга аҳд қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **УЛАН-БАТОР.** Монголия олтинчи беш йиллигининг тўрт йили мобайнида қарийб 600 минг киши ўзининг иқтисодий билимларини оширди. Мамлакатда иқтисодий ўқиш халқ университетлари системаси, партия ва ревсомол ташкилотлари ҳузуридаги сиёсий ўқиш мактаблари, касаба союзлари ҳузуридаги социалистик меҳнат мактаблари орқали амалга оширилмоқда. Иқтисодий ўқиш программаси Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, муттасил такомиллаштириб борилмоқда.

● **ЛОНДОН.** Бу ерда Англиядаги энг йирик автомобиль компанияларидан бўшатилиши керак. Автомобилсозлардан яна 6,5 минг кишини яқин кунлар ичида ишсиз қолади.

● **НЬЮ-ЙОРК.** Сўнгги вақтларда Бостон шаҳрида қимматчилик кескин ошмоқда. Сўнгги ўн йил ичида қимматчилик қарийб икки баравар ўсди. Утган йилнинг ўзидагина электрдан фойдаланиш тарифлари 52,4 процент, шаҳар транспортида қатнов ҳақи 20,5 процент кўтарилган. «Бостон глоб» газетасининг таъкидлашича, Бостонда қимматчилик нинг ўсиш суръатлари бултур 1946 йилдан бери ўтган давр ичида рекорд даражага етган.

● **ИСЛОМОБОД.** Покистоннинг ташқи қарзи 7,3 миллиард долларга етган, деб хабар беради «Пакистан таймс» газетаси. Келгусида бу рақам янада ошиб кетади, деб таъкидлашмоқда. Мутахассисларнинг чамаларига кўра, келаси молия йилида Исломобод чет давлатлардан камида икки миллиард доллар қарз олиши керак бўлади.

(ТАСС).



Кеча Тошкент ва пойтахт областининг стадионларида футбол бўйича анъанавий X халқаро ўсмирлар турнирининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди.

ҚОР УСТИДА ФУТБОЛ

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими «Пахтакор» стадионида бўлди. Қор ёғаётганлиги, кун совуқ бўлишига қарамай стадион трибуналарини тўлдириб ўтирган кўп сонли футбол мухлислари парад қатнашчиларини — Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Финляндия, Чехословакия, СССР-1, СССР-2, РСФСР ва Ўзбекистон командаларини самимий олқишлар билан кутиб олдилар.

Анъанавий халқаро ўсмирлар турнирининг қатнашчиларини турнирни ўтказиш бўйича ташкилий комитет раиси Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов табриклади.

Сўнгра ёш футболчиларни уларни отаолиққа олган Тошкент ишлаб чиқариш коллективлари комсомол ташкилотларининг вакиллари табрикладилар, гулдасталар тақдим этдилар.

Ниқоят тантанали дақиқалар етиб келади. Стадион узра Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси гимнлари янграйди. Аста-секин халқаро турнир байроғи кўтарилади. Турнир бошланди!

Майдонга СССР-1 ва ГДР терма командалари чиқишади. Шуни айтиш керакки, учрашувнинг охирларига бориб, яшил майдон оппоқ қор билан қопланди. Бундай шароитда ўйнаш, албатта, қийин. Аммо ёш футболчилар мураккаб обҳаво шароитларига мослаша олишларини, яхшигина техник маҳоратга эга эканликларини намойиш этдилар. Учрашувнинг биринчи ярми совет футболчиларининг устунлиги билан ўтди ва улар рақибларини дарвозасига икки жавобсиз тўп киритдилар. Иккинчи таймда ГДР футболчилари ташаббусни қўлга олиб, бир жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлдилар, СССРнинг биринчи командаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: Чехословакия — Ўзбекистон — 2:0, Венгрия — Болгария — 2:1.

БУ—ТИРИКЛАРГА КЕРАК

Ленинча мактаб коммунистлари

...Сиз катта йўлдан бурилиб, унча катта бўлмаган бир қаватли уйлар оралиғидаги торгина йўлакдан ўтиб борасиз-да, кўк эшикка яқинлашасиз. Уни тақиллатиш шарт эмас. Чунки ҳеч қачон қулф бўлмайди. Озода ҳовлидан ўтиб, остонага кўтариласиз ва Тарихнинг ўзи ҳоким бўлган ажойиб хонага кирасиз...

Кичик жуссали, йиллар юкидан қадди букилиб, ҳассага таяниб қолган отахон сизни хонанинг деворларидаги ва столлардаги сарғайиб кетган ҳужжат, фотосуратлар, ҳат ва газета қирқимлари билан таништиради. Бу кишининг зийрак кўзларн зарур нарсаларни дарров топади, ажин босган қўлларини саҳифаларга эҳтиётлик билан тегизади. Оқсоқолнинг юзларидаги асрий ажинлар бир эум йўқолади-да, унинг чеҳраси бутунлай бошқача тус олади: бундан кўп йиллар муқаддам бўлганидек, ёш, навқирон чеҳра намоён бўлиб кетади.

Отахон 90 ёш арафасида турибди. Уни Икром Каримов дейишади. Оқсоқолнинг мўъжизакор, аниқ хотираси даврлар қатидан саналар, воқеалар, қимматли номларни осонлик билан илғайди.

Бу таниб-танчимас хотира уни қўлига қалам олишга, йўлга отланишга, сўраб-суриштиришга, ўзининг жанговар дўстлари янги ҳаёт учун курашда босиб ўтган қийин ва қаҳрамонона йўлни мисраларда қайта акс эттириш учун архивларни ивдашга мажбур этди. Унинг жанговар дўстлари ҳозир йўқ. Вақт шафқатсиз экан. Олдинги сафда бораётганларни машъум ўқлар аямаган эди. Ҳа, уларнинг ўлари ҳам душман билан қаттиқ олишувдан асло чўчимаган эди. Улардан фақат кекса Икром ота Каримов барҳаёт, холос. У биз учун гоят қадрли бўлган Революция китоби саҳифаларини, яъни ўз қони билан ёзиб, ҳалок бўлган жангчилар ёзган Саҳифаларни асраб қолган кишидир!

У бу ажойиб хонада музей яратди. Бу уйни у ўз қўллари билан бунёд этган. Пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги бу музейни кўпчилик билади. Бу ерга маҳалла аҳолиси, Каримовнинг қўшнилари кириб туришади. Жамоатчилик ва катта музейларнинг вакиллари ҳам келиб турадилар. Архивчилар ва студентлар ҳам қиё боқишади. Тошкент меҳмонлари ҳам бу уйни осон топа оладилар. Ҳалиги йўлакдан пионерлар саф тортиб келишади. Улар оқсоқолнинг товушига диққат билан қулоқ солиб, у яратган стендлар олдида лол боқишади.

Икром ота ўзи тўғрисида тортиниброқ, аввалига вазмин оҳангда гапиради. Батрак оиласида туғилди. Икки йил етим юрди. Агар яхши одамлар бўлмаганда ким билади, дейсиз, унинг ҳоли не кечарди? Етимхонада унга Олия Акромшайхова кўрсатган илиқ— иссиқ меҳрни у умр бўйи унутмайди. У ўзининг дастлабки мураббийси, халқ ўқитувчиси Ҳусайннинг яхшилигини ҳам унутмайди. У революция душманларига шафқатсиз бўлган, ўз ўртоғи учун ломмим демай, ҳаётини бахш этишга тайёр турган жанговар дўсти Ҳайдар Усмоновнинг яхшилигини ҳам бир умр унутмайди!

Икром Каримовнинг Улуғ Ватан уруши йиллари давридаги ишларида ана шу эзгуликнинг, кишиларга ишончнинг муҳри кўринади, буни Олий Бош қўмондон йўллаган телеграмма ҳам тасдиқлайди. Бош қўмондон Каримовга ғалабага қўшган ватанпарварлик ҳиссаси учун ташаккур билдирган эди. Икром ота танк бунёд этиш учун фронтга ўша пайтда 20 минг сўм пул ўтказган эди. Босмачиларга қарши кураш қатнашчиси; инвалид юборгани учун ҳам бу совға жуда қимматли эди. Урушнинг дастлабки кунларида у ўзини фронтга юборишларини сўради, ишонтирди, елиб-югурди. Лекин унинг ўқ теккан, умрбод букланиб қолган қўлини кўриб, «йўқ» дейишди. Шунда у фронтга ўзининг барча жамғармаларини жўнатди.

То ярадор бўлгунча Икром Каримов ажойиб жангчи бўлган! Унинг отряди босмачи тўдаларга ажал келтирган. Қизил чавандозларни тўхтатиб қола оладиган куч йўқ эди. Ажойиб командирнинг жонига бир неча марта қасд қилишга уринишган. Қўрбоши унинг боши учун озмунча пул тикканмиди? 1916 йилдаёқ ишчи отрядлари сафига қўшилиб, чиниққан, Ҳужакент революцион комитети раисининг ўринбосари бўлган бу одам контрреволюцион каллакесарларнинг таҳдидидан қўрқармиди?

Икром Каримовнинг чавандозлари Совет ҳокимияти учун курашиб бутун Туркистонни кезиб чиқишди. У жангларда кўп дўстларини йўқотди. Душман ўқи уни ҳам «аяган» йўқ. Аммо юрак ва вужуд ёш бўла туриб, ҳали янги ҳокимиятга омилкор қўллар, тажриба, садоқат зарур бўла туриб, инвалид бўлиб ўтириш мумкинмиди? У ярадор бўлгандан сўнг қишлоқда «Қўшчи» союзининг ташкилотчиси бўлди. Уша даврнинг ҳужжатлари шундан далолат беради, ўртоқ Каримов уездда еттита волость комитети, «Қўшчи» союзининг 37 та қишлоқ комитетини ташкил этди. 5 минггa яқин кишини ҳисобга олди. Шундан 1000 киши батрак эди. 7 та ўлка чойхонаси ва деҳқонлар уйини ташкил этди, ер-сув комиссияси ишига ёрдам берди. Узаро ёрдам комитетини ташкил этишни кучайтирди.

Икром отанинг эзгу ишлари жуда кўп. Аммо, сиз уруш пайтида ўзининг уч ўғли бўла туриб, яна унинг беш болани асраб вояга етказгани (ҳа, улар бегона эмас эди, унинг учун бу болаларнинг ҳаммаси ўз қадрдони эди) ҳақида унинг ўзидан эмас, балки қўшнилардан билиб оласиз. Улар Каримовнинг уйида иккинчи онла меҳридан баҳраманд бўлишди.

Қўшнилар сизни София проспектига бошлаб чиқишади ва баҳорда оппоқ бўлиб гуллайдиган, ёзда эса йўловчиларга соя-салқини ва ҳушбўй ҳиди билан ором берадиган ажойиб боғни кўрсатишади. Икром ота бу боғни ўзи яратган. Янги проспект тушгач, боғни бузишга тўғри келди. Аммо Каримов бунга тоқат қила олмасди, албатта. Боғни бузгандан нўра янги боғ ташкил этиш керак, дерди у. Отахон боғни қайта тиклашни қаттиқ туриб талаб қилди. Олия Акромшайхова бир вақтлар унинг қалбига «экқан» эзгулик уруғи ўсиб— ўзгаришда давом этиши, кишиларни қувонтириши керакда.

Унга кўп кишилар ёзиб туришади. Ҳужжатлар билан қизиқишади, маслаҳат сўрашади, ҳужжатларни юборишни сўрашади. Ўзбекистон ССР Колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти, республика Фавлар академияси, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, республика журналистлар Союзи ана шундай хатлар йўллаган...

Мана, Тожикистон ССР ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари М. Қаноат бундай деб ёзибди:

«Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Шарқда янги ҳаёт қурганлар хотирасини абадийлаштириш ва улар тўғрисида материаллар тўплаш борасида сиз амалга оширган жуда катта иш учун самимий миннатдорчилик билдираман. Сизнинг музейингиз — ноёб. Ундаги материал ва ҳужжатлар, шак-шубҳасиз, катта қизиқиш уйғотади. Совет кишиларининг янги авлоди — коммунизм бунёдкорларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашади».

В. И. Ленин Марказий музейидан келган хатда бундай деб ёзишибди:

«Сиз босиб ўтган йўл ёшлар учун муносиб намуна бўла олади. Сизнинг уй-музейингиздаги ҳужжатлар ва суратлар катта қизиқиш уйғотади, яъни улар илмий ва пропагандистик аҳамиятга эгадир. Уйлаймизки, келажакда бу ҳужжатлар давлат музейида намойиш қилишга арзийди».

Катта илмий ходим Р. П. Шикина имзо чеккан бир хатда тўғри айтилибди. Н. Каримов тўплаган ҳужжатлар ҳар қанча намоён қилишга арзийди. Ветераннинг комсомол билети Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг музейида сақланаётгани ҳам бежиз эмас. Комсомол билети Каримовга 1920 йилда ўлка комсомол ячейкасининг дастлабки ташкилотчиларидан бири сифатида берилган эди.


Ўтмишнинг бебаҳо шаҳодатларини ўрганиш, тартибга келтириш ва танлаш ишларини давом эттириш мутахассисларнинг ишидир. Ҳозирча ветераннинг уй-музейида ана шу материалларнинг барчаси сақланмоқда. Тўғри, яқинда Икром ота ўз уйи яқинидаги янги шинам уйга кўчиб ўтди. Аммо, эски уй сақланяпти. Чолнинг хонасида телефон жиринглаб қолса, кимдир музейга кириш мумкинми, деб сўраса, Икром ота ҳассасини олиб, аста ўрнидан туради-да, навбатдаги таширф буюрувчилар ҳузурига ошиқади.

Уларга ҳар бир ҳужжатни эринмай кўрсатади, кўпгина ҳужжатларнинг мазмунини гапириб беради, шу пайтда эса очиқ турган эшикдан уни невара-чеваралари мунчоқдек кўзларини тикиб, уни қизиққин кузатиб туришади. Чолнинг овози тобора очилиб, ўша узоқ оловли йиллар ҳақида, бизнинг революциямиз, Қизил Ўлдуз таққан жангчилар ҳақида ҳикоя қилиб беради. Ҳа, кишилар унинг сўзларини тинглашаверсин. Авлодларда Ленин васиятларини ҳаётга тадбиқ этган, халқ бахт-саодати учун курашчиларнинг жанговар сафида бўлган кишилар тўғрисидаги ёркин хотира яшайверсин.

Ветеран меҳмонларни тор йўлаккача ўзи кузатади. Бу йўлак проспектга олиб чиқади. Бу йўл собиқ боғ ёнидан (Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармаси биноси ёнидан) ўтади. Айтгандек, отахон яна бир хат олди. Унда боғнинг шу баҳорда қайта тикланиши ҳақида ёзилибди. Ҳа, мен ҳам боғнинг дастлабки кўчатларини ўз кўзим билан кўрдим. Ветеран меҳмонларга «раҳмат» дейди. Яна келиб туришларини, истаган вақтда ўзларининг таниш ва дўстларини бирга олиб келишларини сўрайди. Чорраҳада узоқ туриб қолади. Проспектда қайнаётган ҳаётга узоқ тикилиб қолади. У янги ҳаётни кўриб туради.

...Сиз Икром ота Каримовнинг ажойиб музейида бўлганмисиз? Агар кўрмаган бўлсангиз, ошиқинг. Дўстларингиз, танишларингиз билан бирга дарров отланинг. Янги ер кўчаси бўйлаб 43-уйга ошиқинг. Отахон сизни эҳтимол остонада кутиб тургандирлар.

Р. ТЭЛЛЬ.





Шу кунларда СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи В. И. Ленин туғилган кун нинг 110 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок этмоқда.

СУРАТЛАРДА: корхона техника контроли бўлимининг ишчан назоратчиси, комсомол аъзоси Ольга Дорожкинани жўнатишга ҳозирланган маҳсулот сифатини кўздан кечираётган вақтда ва ўнгдаги суратда эса жўнатишга ҳозирланган тракторлар акс эттирилган.

М. Нуриддинов фотолари.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЯНГИЛИКЛАР

ПАРТКОМ НАЗОРАТИДА

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг партия комитети темир йўлда вагонларнинг бўш туриб қолиш, юкни бўшатиш ҳолларини ўз вақтида текшириш ва тегишли чора кўриш мақсадида беш кишидан иборат махсус комиссия тузди.

Владимир Иванович Голошатов раҳбарлик қилаётган бу комиссия корхонага тегишли бўлган темир йўл участкасида вагонлар юкини бўшатиш ишини муттасил назорат қилиб турибди. Бу эса халқ хўжалик юкларини ўз вақтида истеъмолчиларга етказиш устидан назоратни кучайтиришга ёрдам беряпти.

МЕЪМОРЛАР ТАКЛИФИ

КИЧКИНТОЙЛАР ШИФОХОНАСИ

Акмал Икромов районининг Али Қушчи кўчасида 200 ўринли болалар касалхонаси биноси қурилади. «ГипроНИИздрав» лойиҳа институти Ўрта Осиё бўлимининг В. Пашков бошлиқ архитекторлари яратган лойиҳага кўра шифохона учун 6,4 гектар майдон ажратилган.

Қурилиш - монтаж ишларига 3 миллион сўм сарф этилади. Бу шифохонанинг лойиҳаси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарсозлар Советининг йиғилишида ижобий баҳоланган. Шифохонада болаларнинг саломатликларини тиклаш учун керакли барча шарт-шароитлар, замонавий медицина жиҳозлари муҳайё этилади.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙЛИК

Акмал Икромов ва Сергели районлари мусобақаси

Мусобақадош районлар саноатининг шу йилнинг январь ойидаги асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича план-топшириқларни бажариш якунлари қуйидагича:

Акмал Икромов райони маҳсулот реализация қилиш бўйича январь ойи планини 101,4 процент, Сергели райони эса 101,8 процент адо этди; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 100,8 ва 95,5 процентни; умумий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати эса 103,3 ва 112,1 процентни ташкил этди.

Акмал Икромов райони саноати меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 109,5 процент, Сергели райони 96,1 процент бажарди; меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,5 ва 105,8 процентни ташкил этди. Шу билан бирга, Акмал Икромов районида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 16,7 процент ўсишига, Сергели районида эса 31,8 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Мусобақадош районлардаги барча корхоналар асосий кўрсаткичлардан бири — маҳсулот реализация қилиш планларини бажардилар. Бироқ, Акмал Икромов районидаги битта корхона маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини, битта корхона эса меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини бажара олмади; Сергели районида нисбатан тўртта ва олтита корхона бундай планларнинг уддасидан чиқолмади.

Акмал Икромов райони саноати планга нисбатан 100,1 процент, Сергели райони 86,2 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди, маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 ва 2,2 марта ўсди.

Акмал Икромов районидаги 7 та цех, 23 та участка ва бригада, 600 ишчи; Сергели районидаги 2 та цех, 12 та участка ва бригада, 99 ишчи январь ойи планини бажара олмади.

Акмал Икромов райони меҳнатчилари январь ойида планга қўшимча 129 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилдилар. Шундан 13 минг сўмлиги социалистик мажбуриятга қўшимча ишлаб чиқарилди. Бу ютуққа «Средазгазавтоматика» заводи, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, ҳисоблаш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва ремонти бўйича ташкил этилган 25 минг сўмлик тикув буюмлари чиқардилар. Бу меҳнат коллективида «Ўнлар ташаббуси», «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббуслари кенг қулоч ёймоқда.

Масалан, «Средазгазавтоматика» заводи районда тез юксалиб келаётган корхоналардан биридир. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида ташкил этилган бу завод тобора иш суръатини ошириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда, янги хил буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштираяпти. Жумладан, бу корхона январь ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот реализация қилиш ҳажмини 29 процентдан зиёдга ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 27,4 процентга кўпайтиришга муваффақ бўлди. Натижада ойлик топшириққа қўшимча 12 минг сўмлик турли хил приборлар, автоматлаштирилган қурилмалар ишлаб чиқарилди.

Завод коллективи тобора иш суръатини ошириб, ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли удалаб келяпти. Ишга туширилган замонавий техникадан тўла фойдаланилаяпти. Ўтган йилнинг январь ойига нисбатан бу ерда меҳнат унумдорлиги 36,9 процентга ўсди.

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам илғорлар сафида келаяпти. Чеварлар январь ойида маҳсулот реализация қилиш ҳажмини (ўтган йилнинг январь ойига нисбатан 14,1 процент) ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини (12,9 процент) кўпайтирдилар, ой давомида республика савдо тармоқларига пландан ташқари 25 минг сўмлик тикув буюмлари чиқардилар. Бу меҳнат коллективида «Ўнлар ташаббуси», «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббуслари кенг қулоч ёймоқда.

Янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик», ташаббуси Акмал Икромов районидаги барча меҳнат коллективлари томонидан кенг қўлаб-қувватланмоқда. Бироқ, шуни афсус билан айтиш керакки, ҳамма жойда ҳам бунга ижодий, ишчан руҳда ёндошилмаяпти, натижада бу кўзланган натижаларни бермаяпти. Районда 620 нафар ишчи ишлаб чиқариш нормасини бажаролмади.

Миллий чолғу асбоблари фабрикасида янгийўлликларнинг ташаббуси бўйича иш қоникарсиз даражада олиб борилаяпти. Бу ерда ёшлар кўп бўлишига қарамай, ишчи кадрлар тайёрлаш масаласи ва мураббийлик ҳаракати етарли даражада эмас.

Январь ойида корхоналар маҳсулот реализация қилиш программасини мавжуд технологик материалларнинг нормадан ортиқча тайёрланиши ҳисобига бажардилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ой давомида 36 минг сўмлик кам маҳсулот берилди. Ўтган йилнинг январь ойига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 17 минг сўмликка қисқарди. Буларнинг ҳаммаси февраль ойида коллективнинг ишини оғирлаштириб қўйди. Бу ерда меҳнат унумдорлиги паст даражада.

Тошкент сут комбинати ўтган йилнинг январь ойига нисбатан сут маҳсулотлари реализация қилиш ҳажмини 12,6 процентга қисқартирди. Бу корхонада технологик қоидалар тез-тез бузилаяпти. Харидорлар корхонанинг сметана, творог ва бошқа маҳсулотлари сифатига ҳаққоний эътироз билдираяптилар.

Ўтган йили «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси турдош корхоналарни қийин аҳволга солиб қўйди. Планга кўра 260 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Шу йилнинг январь ойида (1979 йилнинг шу даврига нисбатан) корхона маҳсулот реализация қилиш ва приборлар ишлаб чиқариш ҳажмини 16 процентга, меҳнат унумдорлигини эса 15 процентга қисқартиришга йўл қўйди.

Акмал Икромов районидаги корхоналарнинг фаолиятларига якун ясаб, шуни айтиш керакки, барча меҳнат коллективлари ҳам ўз кучи ва имкониятлари даражасида ишламадилар, мавжуд бўлган ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланмадилар.

Сергели районида реализация бўйича планни бажара олмаган бирорта корхона йўқ. Район саноати пландан ташқари 210 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди, шундан 44 минг сўмлиги социалистик мажбуриятга қўшимча ишлаб чиқарилди.

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада Граждан авиацияси нинг ремонт-техника заводи, «Октябрь 50 йиллиги номли» тикувчилик бирлашмаси коллективлари пешқадамлик қилишаяпти. Бу ердаги цехларда ва участкаларда 22 апрелга қадар тўрт ойлик планни бажариш ҳаракати кенг қулоч ёяпти ва кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари Ленин юбилейи арафасида шахсий беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашаяптилар. Авиаремонтчилар январь ойида пландан ташқари 80 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу мажбуриятда белгиланганидан икки баравар кўпдир.

Бу йил ошхона ва бошқа мебеллар заводи «Вторцветмет» республика бирлашмаси коллективлари маҳсулот реализация қилиш топшириғини уддалашга эришдилар. Бироқ, коллективларнинг ойлик планни бажаришлари ҳали зарур бўлган ишлаб чиқариш суръатига эришганликларидан далолат бермайди. Чунки беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажариш учун улар енг шимаришиб, икки баравар иш бажаришлари зарур. Негаки, ўтган йилларда кўплаб узилишларга йўл қўйилди. Ошхона ва бошқа мебеллар заводи мунтазам хомашё етишмаслик шароитида ишлади. «Вторцветмет» бирлашмасида эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнат интизоми бўш бўлди.

Шу нарса ташвишлики, сергелиликлар ўтган йилнинг январь ойига нисбатан бирмунча кам маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар. Резина-техника буюмлари, Сергели «Вторчермет», махсус мебель, ёғочни қайта ишлаш, шпал ва темир-бетон конструкциялари, қўйш тўсқич мосламалари заводларидаги шулар жумласидандир.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини тўртта корхона бажара олмади. Жумладан, махсус мебель заводи 10 минг сўмлик, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси 300 минг сўмлик, ишлаб чиқариш корхоналари комбинати 147 минг сўмлик, қўйш тўсқич мосламалари 34 минг сўмлик маҳсулот беролмади. Буларнинг асосий сабаблари моддий-техника таъминоти яхши эмаслиги, меҳнат унумдорлиги паст даражада эканлигидир. Сергелиликлар меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича январь ойи планини 96,1 процент бажардилар. Шу билан бирга меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 3 баравар қисқариб кетди. Чунки ўтган йили ҳам бу техника-иқтисодий кўрсаткич юқори эмас эди.

Сергели районида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг январь ойига нисбатан 2,2 марта ўсди. Бироқ, январь ойи плани бажарилмай қолди. Ойлик планга нисбатан 170 минг сўмлик маданий-маиший ва хўжалик буюмлари берилмади.

Сергели райони давлат Сифат белгиси билан буюмлар ишлаб чиқариш бўйича шаҳардаги бошқа районлардан орқада қолаяпти. Олий категорияли маҳсулот ҳажми умумий маҳсулот ҳажмининг 2,8 процентини ташкил этади.

Мусобақадош районлардаги меҳнат коллективларининг вазифаси — ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида ишни аниқ бир маромга қўйиш, барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларни бажаришдир.

КОМПЪЮТЕР ЭЛЕКТР ЛИНИЯСИНИ ЛОЙИҲАЛАЙДИ

«Ленинское — Ўш» юксак вольтли электр линияси трассаси профилини чизиб чиқмоқ учун электрон-ҳисоблаш машинасига ярим соат керак бўлди. 60 километрли бу линия Олой тоғи этакларини, ўрмонли қияликлар ва йўлларни кесиб, аҳоли пунктларини четлаб ўтади. Компьютер автофотосъемка, гидрометеорологик кузатиш маълумотлари, тупроқ характеристикалар и н к и машина тилига ўтказган ҳолда анализ қилиб чиқди ва шундан сўнг лойиҳачилар зарур ҳамма шартли белгиларга туширилган чизмага эга бўлдилар.

Трасса профилини автомат тарзда чизиш илк бор «Энергосетпроект» институтининг Ўрта Осиё бўлимида ўзлаштирилди.

«Энергосетьпроект»нинг электрон-ҳисоблаш машинаси янги касбларни ўзлаштиришда давом этмоқда.

(УзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КАСАЛЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

ГАВАНА. Кубада 1967 йилнинг июнь ойидан буён бирор киши ҳам безгак билан оғриган эмас. Шу жиҳатдан Куба Латин Америкасида ягона мамлакатдир. Республиканинг бу ютуғи жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус қарори билан мустаҳкамланиб қўйилди.

Куба ҳукумати қўллаётган профилактика тадбирлари — шунингдек умуммиллий эмлаш кампанияси ва касаллик тарқатувчи безгак чивинига қарши кураш —ана шу хавфли касалликдан бутунлай халос бўлиш имконини берди.



Лаос Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва таълим олиши учун катта эътибор бераяпти. Мамлакатда таълимнинг янги миллий системаси жорий этилмоқда. Бу йилги ўқув йилида ярим миллиондан ортиқ қишлоқ болалари мактаб партасига ўтиришади.

СУРАТДА: Жанубий Лаоснинг Саваннакет вилоятидаги бошланғич мактаб биноси олдида.

ВИА—ТАСС фотоси.

ТРАНСПОРТ ЯНГИЛАНМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтининг Қадим райони Обудо кўчаларидан сўнгги марта кичкина трамвай ўтди. Бу трамвай неча ўн йиллаб хизмат қилди, эндиликда эса Будапешт транспорт музейидан жой олади. Шу маршрут бўйлаб муҳташам мовий «икаруслар» қатнай бошлади.

Бу йил Будапешт транспортини янада янгилаш йили бўлади. Партиянинг бўлажак съезди ва мамлакатнинг фашизмдан озод этилганлигининг 35 йиллиги шарафига метрософизлар бу йил метрополитен нинг «Шимол-жануб» янги трассаси қисмини муддатидан илгари ишга тушириш мажбуриятини олдилар. Пойтахт кўчаларида йил охиригача 200 дан ортиқ замонавий «икаруслар» пайдо бўлади. Шаҳар транспортига ГДР корхоналарида ишланган шаҳар атрофи поездлари қўшилади. Чехословакиядан Венгрия пойтахтига трамвайлар, Совет Иттифоқидан эса троллейбуслар келтирилади.

Будапешт мутахассислари яқинда шаҳар транспортини янада янгилашнинг кенг программасини ишлаб чиқдилар. Бу программа марказий кўчаларда қатновни камайтириш, Будапештдаги жамоат транспортининг қатнов тезлигини оширишдир.

МОСКВА ОЛИМПИАДАСИ ҲАҚИДАГИ КЎРГАЗМА

МАДРИД. Овьедо шаҳрида «Олимпиада Москваси» кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Москвадаги олимпиада ўйинларига тайёргарлик ҳақида, Совет Иттифоқида спортнинг ривожланиши, совет спортчиларининг ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилувчи кўплаб фотосуратлар, диапозитивлар, плакатлар қўйилган.

Шаҳар ҳокими Луис Риера кўргазмани оча туриб, совет ва испан халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни яхшилаш учун кўргазманинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади. «Олимпиада ўйинлари, — деди у, — бутун спорт сингари бу ўйинлар пайдо бўлгандан буён доимо тинч-тотув яшаш шаклларидан бири бўлиб келди, халқлар ўртасидаги муносабатларда дўстлик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилди».

Бу воқеа Испанияда ёзги олимпиада ўйинларига зўр қизиқиш туғилаётганлиги билан боғлиқ. Тараққийпарвар жамоатчилик, спорт доираларининг намояндалари, илғор испан спортчилари ва тренерлари Америка Қўшма Штатлари авж олдириб юборган Москва олимпиадасини бойкот қилиш кампаниясини қатъий қораламоқдалар.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ДАРДНИ ЕНГАМАН ДЕСАНГИЗ

ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

Қиш ва эрта баҳор ойларида шамоллаш касалликлари тез-тез учраб туради. Бунинг пайдо бўлишига иқлимнинг, об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши, намгарчилик сабаб бўлади.

Ўпка яллиғланиши касаллигининг 89 процента одам совқотганда, ташқи ҳарорат кескин ўзгарганда, шамоллаб қолганда ривожланади. Одам шамоллаганда дармони қурийди, боши оғрийди, тумов бўлади, иситмаси чиқади, иш қобилияти пасаяди.

Ўткир тумов—юқори нафас йўлларининг энг кўп учрайдиган касалликларидан биридир. Кўпинча организм совқотганда одам қаттиқ тумов бўлиб қолади. Оғизнинг қуриши, бурундан иссиқ нафас чиқиши, аксириш, ҳароратнинг 37 даражагача чиқиши касалликнинг дастлабки аломатлари ҳисобланади. Орадан бир неча соат ўтгач, баъзан икки-уч кундан кейин бурундан сувга ўхшаш тиниқ суюқлик ажралади. Ўткир тумовда бош оғриб лашиб ,оғрийди. Ўткир тумов асорат берганда кўз қизариб, ёш оқади.

Ўткир фарингит — ютқин шиллиқ пардасининг яллиғланиши, аксари процесснинг бурун ва ҳалқумдан пастга тарқалиши сифатида пайдо бўлиши мумкин. Касаллик аста-секин бошланади, унинг барча аломатлари аниқ бўлмайди. Беморнинг аҳволи яхшиланади. Кейинроқ бош оғрийди ва ҳарорат кўтарилади. Ўз вақтида даво қилинса касаллик тез ўтиб кетади.

Ўткир бронхит — одатда тумовдан бошланиб, охири бронхитга айланади. Совуқ ва нам иқлимли мамлакатларда ўткир бронхит билан кўпроқ оғрийдилар. Бемор қаттиқ йўталдан қизаради ёки кўкариб, ҳоли қурийди. Ўткир бронхит енгил ва оғир турда кечиши мумкин.

Бронхитнинг олдини олиш учун совқотмаслик, организмни чиниқтириш зарур. Шунингдек, шаҳарлар ва корхоналарда ҳавонинг чанг, зарарли газлар билан ифлосланишига қарши гигиена тадбирлари ўтказиш ҳам бронхитнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Бронхопневмония эса мустақил касаллик сифатида ва бошқа касалликларнинг асорати сифатида пайдо бўлиши мумкин. Касаллик аста-секин бошланади, унинг барча аломатлари аниқ бўлмайди. Тўхтовсиз йўтал тутади ёки ҳуруж қилиб, бемор шилимшиқ йирингли, кўкимтир рангли балғам ташлайди. Ҳарорат бир неча кун давомида аста-секин кўтарилиб боради. Беморни дарров ўринга ётқизиб, врач чақириш керак. Чунки касалликнинг ҳамма аломатлари фақат юқори нафас йўлларининг катари эмас, балки ангина ва вирусли грипп га ҳам ўхшайди. Бемор аста-секин соғая бошлайди.

Крупоз пневмония—ўткир инфекцион-аллергик касаллиқдир. Организмнинг жуда совқотиши натижасида унинг инфекцияларга чидами сусаяди, табиий иммунитет пасаяди, бронхлар йўлларининг иши бузилади. Куз ва баҳор ойларида ҳароратнинг тез-тез ўзгариб туриши ва ҳаво нам бўлгани учун крупоз пневмония кўп учрайди.

Бундан ташқари, чарчаш оқибатида организм реактивлигининг ўзгариши, заҳарланиш, алкоголь, нормал меҳнат ва турмуш шароитининг бузилиши ва бошқа кўнгилсиз омиллар касалликка сабаб бўлади. Крупоз пневмония билан турли ёшдаги кишилар, кўпроқ 18—40 ёшдаги одамлар касалланади.

Касаллик бирдан титраб-қақшаш билан бошланади. Шундан кейин қаттиқ иситма авж олади. Ҳарорат 39—40 даражагача етади. Касалликнинг биринчи соатларида биқинда оғриқ туриб, нафас олганда зўраяди, қуруқ йўтал жуда азоб беради. Бемор лоҳас бўлиб, ўринга ётишга мажбур бўлади.

Крупоз пневмония билан касалланган беморни касалхонага ётқизиш керак. Касални тўғри ва яхши парвариш қилиш даволашнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бемор ўринда қимирламай ётиши, у ётган жой ҳавоси тоза бўлиши керак. Касалга сингил сингадиган, лекин қувватли, айниқса С витаминига бой овқат (чой, кофе, сут, мева шарбатлари, қаймоқ, тухум, шўрва, сухари, майда тўғраб пиширилган гўшт) бериш керак. Крупоз пневмония агар ўз вақтида даво қилинса, эсон-омон ўтиб кетади.

Бронхиал астма — инфекцион-аллергик касаллик бўлиб, бронхлар ўтказувчанлигининг бузилиши натижасида пайдо бўлади. Астма касаллигининг ҳуружига ташқи омиллар, организм реактивлигининг ўзгариши сабаб бўлади (нам, совуқ иқлим, зах хона, шамоллаш касалликлари).

Бронхиал астма ҳуружи тутганда бемор кўкрагида сиқилиш ҳиссини сезади ва нафас олиши қийинлашади. Одатда касаллик кўпинча кечаси, тўсатдан тутиб қолади, бунда бемор қаттиқ ҳансирайди. Ҳуруж пайтида бемор қисқа нафас олади, жуда секин нафас чиқаради. Беморнинг юзи керикиб кетади. Ҳуружнинг охирига бориб бемор йўталиб, шилимшиқ балғам ташлайди.

Одатда чиниқишдан мақсад организмни мунтазам равишда совуққа ўргатишдир. Чиниқишни аста-секин бошлаш керак. Аввало ҳаво ваннаси қабул қилиш, кейин баданни ҳўл сочиқ билан ишқаб артиш, ундан кейин эса душда ва очиқ сув ҳавзаларида (кўл, дарё, ҳовузда) чўмилиш керак.

Ҳар куни ҳўл сочиқ билан баданни ишқаб артиш баданни чиниқтиришнинг энг осон йўлларидан биридир. Қишда ҳарорат камида 18 даража бўлган хонада, ёзда эса очиқ ҳавода бу ишни қилиш мумкин. Сув ҳарорати дастлаб 30-32 даража бўлиши керак, кейин аста-секин 20 даражагача пасайтирилади. Бир парча нам дағал газлама ёки ҳалта билан аввал қўл, оёқ кейин бутун тан ишқаб артилади, сўнгра қуруқ сочиқ билан бадан қизаргунча ишқаланади. Қўл ва оёқ бармоқлардан гавдага томон артилади. Оёқни 2-3 минут совуқ (18 даражали) сувга солиб ўтириш ҳам фойдали. Кейин товон қизаргунча артилади.

Чиниқишни бошлашдан олдин врач билан маслаҳатлашиш лозим. Фақат врачгина одамнинг ёшини, организмининг хусусиятларини ва касбини ҳисобга олган ҳолда тўғри маслаҳат бериши мумкин.

Саломатликни ва организмнинг ҳимоя кучларини мустаҳкамлаш учун чиниқишнинг зарурлигини тушуниш муҳим. Дастлабки пайтда кунт билан баданни ҳўл сочиққа ишқаб артиб, совуқ душ қабул қилиб турилса, бора-бора булар одатга айланиб қолади. Йил бўйи муттасил равишда чиниқиш керак.

Ҳар қандай ёшдаги одам ҳам аста-секин чиниқса бўлади. Саломатлиги яхши бўлган одамларга радио орқали бериладиган гимнастика машғулотларини бажариш тавсия этилади. Бу гимнастика машғулотларини физкультурани жуда яхши биладиган методистлар олиб боради. Бунинг соғлиққа катта фойда беришини тажриба кўрсатяпти.

Ҳаво ванналарини йил бўйи хонада, боҳорда, ёзда, кузда эса очиқ ҳавода, сояда қабул қилиш мумкин. Ҳаво ваннасидан кейин баданни қўл билан, енгил ёки юмшоқ чўтка билан ишқаланса яхши бўлади. Ҳаво ваннасини ётган, тикка турган ва юриб турган ҳолда қабул қилса бўлади.

Сув процедуралари (муолажалари) ҳаво ваннасига қараганда яхши наф беради. Аввало баданни сочиқни хўллаб артишдан бошлаш керак, кейин душ қабул қилишга ўтиш, ундан кейин эса очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш керак. Зотилжам бўлган беморга яқинлашмаслик лозим, чунки касаллик ҳаво-томчи йўли билан юқиши мумкин. Иш кунини тўғри ташкил қилиш, рационал овқатланиш, уйни ва ишхонани доим шамоллатиб туриш зарур.

Нафас органлари сурункали касалликларининг олдини олишда ичкилик ичиш ва чекишга қарши курашиш муҳим аҳамиятга эга. Бемор спиртли ичимликларни ичишни ва чекишни ташламаса, бутунлай шифо топмаслигини айтиб қўйиш керак.

Ҳавони мусаффо қилиш юқорида айтиб ўтилган касалликларнинг олдини олишда катта роль ўйнайди. Буюрилган ҳамма дори-дармонлар фақат врач маслаҳати билан ичилиши лозим.

Н. ҚОСИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

● МЕДИЦИНА ЯНГИЛИКЛАРИ

ИНЖЕНЕР ВРАЧГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

«Союзнефтеавтоматика» бирлашмаси Андижон лойиҳа конструкторлик бюросининг инженери Т. Тожибоев ясаган нуқта излагич-индикатор игна терапия билан қулоқ касалликларини даволаш жараёнини батамом оғриқсиз ўтказишга ва игнанинг «нишонга» юз процент бориб тегишига имкон беради.

Бу ердаги медицина институтининг доценти М. Отабоев янгилик ғоясини инженерга айтганди. У ҳаваскор конструктор ясаган ва медицина журналида берилган бундай прибор схемасига эътиборни жалб этган эди. Андижонликлар асос қилиб олинган конструкцияни анча такомиллаштиришлар ва аслида янги прибор ясадилар. У мавжуд шу хилдаги прибордан инсон баравар нинчик, шакли ва катталиги телефон аппаратини эслатади. У товуш ва нур сигналлари билан таъминланган.

Янгилик лаборатория синовларидан яхши ўтиб, Андижон медицина институтининг клиник касалхонасида жорий этилди.

У. САКСОНБОЕВ,
УзТАГ мухбири.


● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ТАОМНИНГ ҚАЙНОҒИ ЯХШИМИ?

Одатда халқимиз овқатнинг совуғидан иссиғини хуш кўради. Иссиқ овқат еганда кишининг танаси яйрайди, «жони ором олади», деган гап бор. Лекин шифокорлар, жуда иссиқ ва қайноқ чойнинг киши организмига фойдасидан зарари кўп дейишмоқда. Чунки жуда иссиқ овқат, чой ошқозонга етгунча секин совийди, совуқ овқат эса, аксинча, тезроқ исийди. Овқат жуда иссиқ бўлса, ошқозонга етгунча фақат 20 даража совийди, холос.

Овқат ва чойнинг сал тобидан тушганини истеъмол қилган маъқул. Маълумки, қиш ва эрта баҳорда киши совуқ ҳаво билан нафас олади, лекин ҳеч бир зиён қилмайди. Чунки, киши ошқозони унча-мунча совуқни парво қилмас экан. Ҳатто наҳорда 125 грамм мороженое еган кишининг ошқозонидан ҳарорат кам-дан-кам ҳоллардагина 15 даражага тушади. Бу ҳам икки минутдан ошмай, кейин ҳарорат яна кўтарилиб 20—30 даражадан пастга тушмайди. Гарчи, совуқ сув билан мороженое бир-биридан тахминан 24 даража фарқ қилса-да, ошқозон унинг фарқига бормайди.

Хуллас, қишда муздек мороженое, қовун, тарвуз ва бошқа меваларни уй ҳароратигача илитилгандан кейин бемалол сеяверш мумкин.



В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети кутубхонасининг ўқув залида.

М. Нуриддинов фотоси.

ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

Уткир РАШИД

ЙЎҚОТИБМАН

Ниманидир, ажаб, йўқотгандайман,
Нарса йўқотмаслик менда қонда.
Ўйлайман, нимани йўқотдим дейман,
Қараб чиқсам ҳамма нарсам жойида.
Ўғил-қизларимму невараларим,
Уйласам ҳаммаси тинч-соғ саломат.
Ҳеч кимдан оларим, йўқ ҳам берарим,
Шукурким ҳамиша менга ёр омад.
Лекин билолмадим нима йўқотдим,
Уйлаб ҳам, излаб ҳам топа олмадим.
Йўқотибман дедим, кўтариб қаддим.
Аммо яна тинчиб кўя қолмадим.
Ногоҳ кўзим тушиб қолди ойнакка.
Бўю бастим билан кўрдим ўзимни.
Илгари боққанда сезмабман, нега!
Энди аниқ кўрдим басту юзимни.
Йўқотган нарсамни ҳа, энди топдим.
Йўқотибман анча нарса қарасам,
Аввалгидек эмас, бошқача афтим,
Ҳа, шу экан ўша йўқотган нарсам.
Йўқотибман сочим қора рангини
Ҳам кўзимнинг нури-ю, ўйноқлигин,
Йўқотибман анчагина ёшимни,
Йўқотибман ёшлик руҳини лекин...
Ҳа, ёшлик руҳи қолган бўлса бас,
Сақлай бу руҳни-ю, ширин сўзимни.
Йўқотганим майли, улар ҳеч гапмас,
Энди йўқотмасам бўлди ўзимни.

ХУШ КЕЛИБСИЗ ТЎЙИМИЗГА

Келин келди, йўл беринглар,
Пешвоз чиқиб гул беринглар,
Сочиқ сочдик тез теринглар,
Хуш келибсиз тўйимизга,
Қўшилинглар куймизга.
Тўй бу ҳавас ва орзумиз
Тўйда янграр куй-созимиз,
Хизмат қилсак биз розимиз,
Хуш келибсиз тўйимизга,
Қўшилинглар куймизга.
Келин-куёв бахтли бўлсин!
Аҳил бўлсин, ақлли бўлсин.
Қўша қариб тахтли бўлсин,
Хуш келибсиз тўйимизга,
Қўшилинглар куймизга.
Ота-она меҳрин кўзланг,
Ширин бўлиб ширин сўзланг,
Келин-куёв шуни ўйланг,
Хуш келибсиз тўйимизга,
Қўшилинглар куймизга.
Тўйга монанд замонамиз,
Шодликка биз парвонамиз,
Бахтин куйлар таронамиз,
Хуш келибсиз тўйимизга,
Қўшилинглар куймизга.

БОҚҚА КИРДИМ

Боққа кирдим боғда ёрим бор учун,
Боғда боғбон интизор дийдор учун.
Ҳар гулин ўз чеҳрасидек яшнатиб,
Боғига шайдо қилган ул ёр учун.

Боққа кирдим боғда ёрни кўрганн,
Унда ёр босган изидан юрганн.
Ёр агар берса узиб бир дона гул,
Минг ўпиб, ҳидлаб кўзимга сурганн.

Боққа кирдим гул баҳона гул сўраб,
Кўзларимга ёрга ишқимни ўраб.
Тушди ногоҳ ёр кўзига кўзларим,
Боқди ёр қуш боқишидек ётсираб.

Боққа кирдим боғда гул,
гулгун чаман,
Гул аро бир ёқда ёр, бир ёқда ман.
Ёр ва гулзор ҳуснини кўз-кўз қилар,
Бу ҳусннн берган ул шу гул Ватан.

ЎЙЛАСАМ

Ёр экансан ўйласам,
Дилдор экансан ўйласам.
Жонга ором, яшнаям —
Сиз бор экансиз ўйласам.
Сиз ҳаётим боғи-роғи,
Сиз кўнгилнинг шам чироғи.
Ишқимиз кўйида сиз —
Бедор экансиз ўйласам.
Бахту-тахтим сиз билан,
Паймону-аҳдим сиз билан.
Ишқ умрин фаслида —
Баҳор экансиз ўйласам.
Мендаги жон ўзингиз,
Ҳам яхши жонон ўзингиз.
Сиз менингчун ҳар нафас
Даркор экансиз ўйласам.
Сизни чин ёр деганман,
Яхши ёр топган эканман.
Ҳам ую, ўймдасиз —
Ҳамкор экансиз ўйласам.

ЁРИМ КЕЛАР ЭРМИШ

Кўй, сайри томошангни дилдорим келар эрмиш,
Ишқида адо қилган ул ёрим келар эрмиш.
Ой нурини поёндоз этиб ёздим йўлига,
Шул кеча ул кўзлари ҳуморим келар эрмиш.
Тонгда қуёш уйғониб пешвоз чиқдк кутганн,
Шул тонгда мен интизор дийдорим келар эрмиш.
Боғда қушлар куйлайди ёримни этиб таъриф
Уз боғига ярашган баҳорим келар эрмиш.
Ёр соғинчин айтди ел шивирлаб қулоғимга,
Васл чоғига интиқ бедорим келар эрмиш.
Ёрнинг йўлига пешвоз чиқ гул олиб эй Уткир,
Ишқу вафони ўйлаб харидорим келар эрмиш.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

«Ўзбекистон» нашриёти ўткир дидли, талабчан китобхонларимиз ҳукмига хилма-хил китобларни ҳавола қилади.

«Даар даъвати» китоби атоқли ўзбек совет ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Комил Яшин ва ёзувчи Эркин Носиров қаламига мансуб. Публицистик мақолалар, очерклар ва лавҳалардан иборат ушбу тўпламда ўзбек совет адабиётининг ҳозирги аҳволи, ёш ижодкорларни тарбиялаш соҳасида қилинаётган ишлар ва ўзбек ёзувчиларининг халқаро алоқалари билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида фикр юритилган. Очерк ва лавҳаларда эса йирик адабий сиймолар, коммунистик келажак бунёдкорлари бўлган ишчилар, зиёлилар ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари, ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқларида юз бераётган ажиб ўзгаришлар қаламга олинган.

Истъододли журналист ва ношир Мели Жўра ўзининг жуда кўп публицистик мақолалари, очерклари, лавҳалари билан кенг ўқувчилар оммасига танилган. Унинг «Қаҳрамонлик ҳиссаси», «Ўлимни енгган кишилар», «Сўз «Ғанишерга», «Қуёшдан нур эмганлар», «Изтироб», «Қалбимдан мастган топганлар», «Умрим дафтари», «Китобим» каби асарлари эълон қилинган. Адибнинг ноширлик ва ношир-журналистлар ҳусусида ҳикоя қилувчи «Ноширнома» китоби чоп этилди. Асарга муаллифнинг уч китоби жамланган.

Мели Жўра узоқ йиллар республика нашриётларида ишлаб, матбуот ва китобчилик бобида орттирган тажрибаларн, устозлари, ҳамкасблари — нашриётчи-журналистларнинг хайрли фаолиятлари ҳақида лавҳалар битган. Мазкур китобда қалам соҳибларининг хайрли фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

У. ЮСУПОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ҲОЛИҚОВ: Яқинда Москвада бўлганимда В. И. Ленин Марказий музейида Хоразм Халқ Республикасининг Меҳнат орденини кўрган эдим. Доҳиймиз В. И. Ленин мукофотланган бу орденнинг тарихи ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб Хива хонлигида яшаётган меҳнаткашларнинг ҳаёти билан қизиққан. 1919 йилнинг декабрида ВЦИКнинг Туркистон комиссияси Хива меҳнаткашларининг хон зулмига қарши курашига ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

1920 йилда халқ оммасининг ҳаракати ва Қизил Армия жангчиларининг ёрдамида Хоразм хонлиги тугатилди. Ўша йили 2 февралда ўтказилган митингда Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилинган.

Хоразм революциясининг икки йиллиги муносабати билан Халқ Комиссарлари Совети республикасининг биринчи орденини таъсис этди. Биринчи орден билан В. И. Ленин мукофотланди.

Хоразм Халқ Республикасининг бу ордени билан М. И. Калинин, Г. В. Чичерин ҳам мукофотланган.

∴ ∴ ∴

Д. ЖАМИЛОВ: Маълумки, метрополитенининг В. И. Ленин бекати ер ости қасрининг энг кўркам станцияларидан ҳисобланади. Унинг лойиҳасини ким тузган?

Жавоб: Бу бекат лойиҳаси «Метрогипротранс» институнинг архитектори Л. Попов, тошкентлик меъморлардан А. Одилова, Л. Адамов томонидан тузилган. Меъмор ва инженерларнинг ижодий изланишлари маҳсулини ишлаб чиқаришга жорий этишда Тошкент метрополитени қурилиш трести 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг К. Цахоев, 7-кўприк қуриш трести 13-кўприксозлик отрядининг И. Бацула бошлиқ бригадаларининг аъзолари, айниқса катта жонбозлик кўрсатишган.

∴ ∴ ∴

Л. ДАМИНОВ: Э. Тельман номли маданият ва истироҳат боғи қачон очилган?

Жавоб: Тельман номли боғ 1934 йилнинг 24 июнида очилган. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига кўра унга 1938 йилда немис халқининг оташин фарзанди, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби Тельман номи берилган. Ободонлаштириш а г и катта муваффақиятлари учун боғ бир неча марта Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг дипломлари билан тақдирланган.

∴ ∴ ∴

Э. ҲАИДАРОВ: Далилий ашёларни сақлаш муддати ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал Кодексининг 61-моддасига кўра далилий ашёлар ҳукм қонуний кучга киргунча ёхуд ишни ётқизиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш муддати ўтгунча сақланади. Ашёга ким эга бўлиши ҳуқуқи тўғрисидаги низо давво тартибида ечилиши лозим бўлган ҳолларда далилий ашёлар гражданлик судлов ишларини юргизиш тартибида шу иш юзасидан чиқарилган ҳал қилувчи қарори қонуний кучга киргунча сақланади.



Соғлиқни муҳофаза қилиш маркази

Ўтган йилнинг охирларида пойтахтнинг Черёмушки районида акушерлик ва гинекология институти базасида ташкил этилган Бутуниттифоқ она ва боланинг соғлигини муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институти ишлай бошлади. Мазкур медицина комплексининг ўз фаолиятини Халқаро болалар йилида бошлагани диққатга сазовордир. Институтнинг барча иттифоқдош республикаларда ўз филиаллари бўлади.

Инсон туғилмасдан туриб унинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, туғилиш билан боғлиқ проблемалар ва масалаларни ҳал этиш марказининг олдида турган вазифалардан биридир. Клиникада медицина генетикаси ва эндокринология соҳасида кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирча олти қаватли катта-гина чўзинчоқ бинонинг ярмига яқини ўз вазифасини бажараяпти. Бинонинг ана шу ярмида гинекология клиник бўлимлари, операция блоки, реанимация хизмати, поликлиника, процедура ва физиотерапевтика кабинетлари, шунингдек эндокринология, медицина генетикаси, иммунология, илмий-тадқиқот лабораториялари, дорихона жойлашган.

СУРАТДА: Бутуниттифоқ она ва боланинг соғлигини муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг биноси.

ТАСС фотохроникаси.

Кемирувчиларни йўқотинг

Кемирувчилар, яъни сичқон ва каламушларга қарши курашиш чоралари турличадир. Улар кирадиган йўлларни тўсиш, қопқонлардан фойдаланиш ва химиявий дорилар билан қириш зараркунандаларни йўқотишнинг энг яхши усулидир.

Кемирувчилар кўпайишининг олдини олиш иморатларнинг санитария-техник ҳолатининг яхши бўлишига, атроф-муҳитнинг тозалигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бунинг учун тозаликка риоя қилиш, чиқиндиларни ўз вақтида йўқотиш, озиқ-овқатли моддаларни ёпиқ идишларда сақлаш керак. Шу тадбирлар кўрилгандагина нафақат кемирувчилар, бошқа хил ҳашаротлар ҳам йўқолади.

Сичқон ва каламушларга қарши курашда химиявий дорилар хўракларга аралаштириб ишлатилади. Хўраклар учун қўлланиладиган маҳсулотлар кемирувчиларнинг ейишига қулай бўлган жойларга қўйилиши керак.

Каламушларга қарши асосан химиявий дорилардан — крисид қўлланилади. Хўракларга қўшиладиган бу химиявий дори миқдори қуйидагича: бир грамм крисид 100 грамм хўракка қўшилади.

Кемирувчиларга қарши қўлланиладиган бир қатор химиявий дорилар борки, улар ўта заҳарлидир. Шунинг учун бу дорилар билан алоҳида касбдаги ходимлар — район профилактик дезинфекция бўлими ходимлари шуғулланади. Лекин крисидни ҳар бир киши ишлатиши мумкин, чунки бу дори одам учун хавфли эмас. Бу препарат хўжалик моллари магазинларида бўлади.

Хўракларни қўллашда эҳтиёт чораларини кўриш шарт. Хўракларни кемирувчиларнинг инларига қошиқча билан сепилиб, устн бир оз текислаб қўйилади.

Химиявий дориларни ташқари, кемирувчиларга механик йўллар билан ҳам курашилади. Бу усулда ҳар хил қопқонлар, тутқичлар ва бошқалар ишлатилади. Қопқонларни ҳам хўжалик моллари магазинларидан харид қилиш мумкин.

Хонадонингизда кемирувчилар кўпайиб кетган бўлса, ҳар бир районда ташкил қилинган хўжалик ҳисобидаги профилактик дезинфекция бўлимларига мурожаат қилинг.

М. ТОЛИПОВ,
Тошкент шаҳар дезинфекция станциясининг бош врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

УСТАЛАР КЎМАГИ БИЛАН

Агар Сиз шахсий уйда яшасангиз ва ўзингиз истиқомат қилиб турадиган жойга иситиш тармоқларини ўтказмоқчи бўлсангиз, ўз касбининг усталари бўлган кишилар Сизнинг мушкулингизни осон этишади. Шаҳримиздаги «Стройрембитхимнинг хўжалик ҳисобида ишловчи ремонт-қурилиш бошқармаси усталари Сиз берган буюртмага биноан иситиш тармоқларини ўрнатиб беришлари мумкин. Бундан ташқари улар турли хил сантехника ишларини, шунингдек, бир қатор ремонт ишларини бажаришади, паркет полларни силлиқлаб, уларни ярқиллатиб беришади.

Шу ҳусусдаги тўлиқ маълумотларни 96-75-10, 96-75-90 рақамли телефонлардан билиб олишингиз мумкин. Бундан ташқари, барча масалалар ҳусусида хўжалик ҳисобида ишлайдиган участканинг ўзига мурожаат қилсангиз бўлади. У Ҳамза районидаги Алиев кўчаси, 72-уйда жойлашган.

Уй-рузғор ташвишида

ЯНГИ ПОЛНИ БЎЯШ

Яхшилаб ювилган пол иккинчи сутка қуритилади, сўнгра иложи борича юпқа қилиб чўткада бўёқ берилади. 2—3 суткадан кейин (энг яхшиси 5 суткадан сўнг) пол такрор бўялади. Яна бир марта бўёқ берилса жуда яхши бўлади. Полни камида 5 сутка қуритиш керак.

Сўнгра пол иссиқ сувда хўлланган латта билан артилади. Полни кетма-кет икки марта артган маъқул, кейин эса бўёқ устига чиқиб турган мойни кетказиш учун бир ҳафта давомида ҳар куни артиб турилади. Шундай қилинмаса, пойафзал полга ёпишаверади. Латта хўлланганда кейин қайноқ сувга бир ош қошиқ сирка қўшилса ёмон бўлмайди. Бўялган полни содали ёки совунли сувда ювиш ярамайди. Акс ҳолда пол ялтироқлигини йўқотади ва бўёғи кўчади.

ҲОДИСА

ТЕЗЛИКНИ ОШИРГАН ЭДИ...

Тошкент машинасозлик бўйича конструкторлик бюроси инженери Юрий Васильевич Рубцов ўзининг ВАЗ—21-01 маркали 46-56 ТНИ номерли автомобилида Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб борар эди. Ким-ким, машинасоз-инженерга ҳаракат тезлигини белгиланган нормадан ошириш қандай оқибатга олиб келиши аён бўлиши керак эди! Шунга қарамай, Рубцов бошқарган автомобиль спидометри соатига 70 километрни кўрсатар эди. Олатасирчилик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини эслатиб ўтиш ортиқча бўлса керак. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Рубцов Гвардиячи кўчаси муюлишига 300 метрча қолганда автомобилни бошқара олмай, йўлчироқ белгиси ўрнатилган темир-бетон симёғочга бориб урилди.

Унинг бош суяги жароҳатланган ва олтинчи қобирға суяги синган ҳолда касалхонага келтирилди.

О. КОЛЬЦОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет оқшоми

27 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/II да **Оламнинг яратилиши**, 28/II да **Севилья сартароши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Ганг дарёсининг қизи**, 28/II да **Шошма, қуёш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да **Тўйдан олдин томоша**, 28/II да **Олтин камар**, 29/II да **Тошкентнинг нозанин маликаси**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да **Отасининг қизи**, 29/II да **Бадбашара ёхуд Эзоп**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва катта цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

27 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЧ, БЕШ, ЕТТИ, ЎН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҲАЁТГА ҚАЙТИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ» — **Қозоғистон.**

«ПЛАНЕТАНИНГ КЕЛАЖАГИ» — **Фестиваль.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИБИРНОМА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00, жавоб берувчи автомат: 78-47-27, 1-2-сериялар), **Искра** (17, 20.00, телефон: 39-11-76), **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат: 35-24-92).

«ТЎНЛАР МУБОРАК» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.** (тоқ соатларда), **Чайка**, (жуфт соатлар, жавоб берувчи автомат: 77-06-20).

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда).

28 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЧ, БЕШ, ЕТТИ, ЎН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҲАЁТГА ҚАЙТИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ» — **Қозоғистон.**

«ПЛАНЕТАНИНГ КЕЛАЖАГИ» — **Фестиваль.**

«ВЕШИНЧИ ОКЕАННИ ЗАБТ ЭТУВЧИЛАР» — **Чайка.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИБИРНОМА» — (1-2-сериялар) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00, жавоб берувчи автомат 78-47-27), **Искра** (17, 20.00 телефон: 39-11-76), **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат телефон: 35-24-92).

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда).

«ЁЗГИ ҲОДИСА» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18, 15, 20.30).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 11, 14, 17, 19.45, жавоб берувчи автомат телефон: 44-39-51).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИДА НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Сценарий муаллифи — РОЗА ҲУСНУТДИНОВА.
Постановкачи-режиссёр — МАРК ОСЕПЬЯН.

Фильм воқеалари шу кунларда татар қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади. Ёшлик даврлари ўтган ана шу қадрдон жойларни кўргани келган ёш келин-куёв Альфия ва Раилнинг ҳамқишлоқлари ва ўзлари учун азиз бўлган ерлар билан учрашуви уларни ҳаёт ҳақида, одамийлик ва ҳаётда тутган ўринлари ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.



ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

«МАЛИКА» — РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭНГ ИРИРИК ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДИР.

4-УСТКИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ БИРЛАШМАГА ҚАРАШЛИ КОРХОНАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Болалар кўйлаклари, костюмлар, жемперлар, жакетлар, эркаклар ва аёллар тўр кўйлаклари, нимчалар, спорт костюмлари, гамашлар — корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ана шулардан иборат. Бу маҳсулотларни барча ёшдаги болалар ва катталар севиб киядилар.

ТОШКЕНТДАГИ 4-УСТКИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

ЎЗИНИНГ СИФАТЛИЛИГИ, ЧИДАМЛИЛИГИ, ГЎЗЛАРИ, ҲУШБИЧИМЛИГИ, ҚУЛАЙЛИГИ, ЕНГИЛЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

БУ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ ВА «Н» (ЯНГИЛИК) ИНДЕКСИ БИЛАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

АГАР ТЎҚУВЧИ ЁКИ ТИКУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 4-УСТКИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!



Бу ерда тажрибали ўқитувчилар сизга ихтисос бўйича лекция ўқишади. Уч ойлик ўқиш мобайнида зарур назарий билим оласиз. Бундан кейинги уч ойда эса бевосита иш жойида меҳнат кўникмаси оласиз.

Ҳунар-техника билим юртини тамомлаганларнинг ҳаммаси фабрикада ишлаш имконига эга бўладилар.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН 16 ДАН 28 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗ-ЖУВОНЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Дастлабки уч ойда ўқувчилар 38 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса, меҳнатдан тушган ҳақларини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.



Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат ёки 8 синфни тамомлаганлиги тўғрисида шаҳодатнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), автобиография, турар жойдан справка, иккита фотосурат (3 х 4 см).

Фабрика директори номига ариза ёзилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Париж Коммунаси кўчаси, 136-уй (16, 89-автобуснинг «Касб касалликлари институти» бекати).

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ 4-УСТКИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 февраль, соат 19.00 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Солистлар:

ФАХРИДДИН УМАРОВ

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ҳасан ҚАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Раъно БЎРОНОВА, Гулнора АЪЗАМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор — СУЛТОН АНВАРОВ.

Мусика раҳбари — ТУЙҒУН ОТАБОЕВ.

Программани — ОЙДИН ТОҲИРОВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

аппаратчилар, слесарь-навбатчи ва ремонтчилар; электр монтерлар, станок ишчилари, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, юк ортувчилар, қадоқловчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар. Зарарли шароитда ишловчилар имтиёзли шарт билан пенсияга чиқадилар. Хизмат автобуси қатнаб туради.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

ускуналар бўйича слесарлар, тикув ва гул солиш машиналарини созловчилар, ёғоч ва пластмассага ишлов берувчи усталар, қурувчи инженерлар, иқтисодчилар, таъминот бўлими бошлиқлари, бўёқчилар, сувоқчилар, электр монтёрлар, лифт механиклари, лифтчилар, бухгалтерлар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

монтажчилар, дурадгорлар, электр монтёрлар. Иш командировкали. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИГА

токарлар, фрезерчилар, созловчи слесарлар, йўнувчилар, прессформа ва штамплар бўйича слесарлар, лойиҳа ва технология секторига — сектор мудирлари, етакчи инженерлар, металлга ишлов бериш бўйича электрчилар, сантехниклар, қурувчилар, сметачи, бошқаришнинг автомат системаси бўйича бошқаришнинг автомат системаларидан фойдаланиш бўйича мутахассислар, математиклар, иқтисодчилар.

ТАМАКИ ФАБРИКАСИГА

сигарета агрегатлари машинистлари, машинист ёрдамчилари — сигарета агрегатларини рословчилар, электроника бўйича инженерлар, бухгалтерлар, граждан мудофааси инженерлари.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар. Хизмат автобуси қатнаб туради.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОНИ ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ДОИМО МУЗИКА ЯНГРАСИН!

Байрамларда ва оддий кунлари ҳар бир хонадонда музика овози янграйди. Бугунги кунда замонавий кишиларни радиоприёмниксиз, проигрователсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Моно, стерео, квадро... буларнинг ҳаммаси биргаликда ажойиб музика оҳангини яратади, ҳар қандай мелодиянинг товушини очади, унга ўзига хос колорит беради.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗЛАРНИ «ТАШҲОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 40-«МУЗИКА УЙИ» МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Бу ерда ҳар куни кўплаб стереофоник усилителлар сотувга қўйилади:

«ТРЕМБИТА-002»— олий классли, столга қўядиган қилиб корпуси ва олд панелли турли хил фасонда тайёрлаб чиқарилади. У микрофонда, электр музика асбоби, товуш ёзиш, радиоприёмник, магнитофонларнинг монофоник ва стереофоник режимда ишлаётган пайтидаги нутқ ва музикалари электр сигналлари юксак кучланишда бўлишини таъминлайди.

«ЮПИТЕР-КВАДРО»— акустик системадаги тўрт каналли усилитель. У бир, икки ёки тўрт каналли датчиклардан келаётган овозларни юксак сифатда ёзиб олишга белгиланган. «Юпитер-квадро» усилителидан ишнинг тўрт режимида: ташқи квадрофония, ички квадрофония, стереофоник ҳамда монофоник программадаги ёзувлар учун стерео ва моно режимда фойдаланиш мумкин.

«ТРЕМБИТА—101» — биринчи классли усилитель, корпуси ва олд томон панели турли хил фасонда ишланган. Микрофон, электр музика асбоблари, магнитофон ишлаётганда нутқ ва музикалар электр сигналининг баландлашувини таъминлайди.

«УЭМИ—10»— ҳаваскор эстрада ансамбллари, шунингдек якка ҳолда фойдаланувчилар учун мўлжалланган. Усилителининг қуввати унча катта бўлмаган хона учун яроқлидир.

«АККОРД—2» — антифон магнит овоз ёзадиган усилитель. У металл торли музика асбобларининг овозларини ёзишга мўлжалланган.

Усилителдан энергия манбаидан анча масофада туриб фойдаланиш мумкин. Масалан, оммавий-маданий тадбирлар, туристик походлар, бадиий оркестрлар, пионерлар лагерлари шулар жумласидандир.

Эҳтимол, Сизни «ФАЭМИ» электрон музика асбоби қизиқтирса керак! Янги кичик ҳажмдаги «Фаэми» электроргани электр музика асбоблари катта оиласининг энг кенжа асбобидир. Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни деганларидек, товушининг универсаллиги ҳамда ҳажмининг енгиллиги фақат эстрададагина эмас, шу билан бирга туристик походларда ёки шаҳардан ташқарига сайр қилганда ҳам фойдаланиш имконини беради.

«ФАЭМИ»— «ФА»дан «МИ» нотасигача клавиатурали музика асбоби бўлиб, мелодик товушга эга, унинг товуш чиқариши скрипками ёки виолончел товушига ўхшайди. Уни чалиш шунчалик оддийки, ҳар бир киши чалса бўлади. Ниҳоят, «Фаэми» кўпгина духовой асбоблар ўрнини боса олади. У флейт каби «куйлаши», габой, кларнет, саксофон каби товуш чиқариши мумкин.

«ФАЭМИ» гитара ҳамда бошқа музика асбоблари билан ҳамоҳангликда жуда яхши товуш чиқаради.

Нима учун биз унча катта бўлмаган бадиий ҳаваскорлик ансамбли қатнашчисининг ҳаяжонли ҳиссиётидан баҳраманд бўла олмаймиз?

«ФАЭМИ» болаларда музика билимини ривожлантириш имконини беради.

«ФАЭМИ»нинг баҳоси — ўзгарувчан токда ишлайдигани — 74 сўм, батареяда ишлайдигани—64 сўм.

«МУЗИКА УЙИ»ДА ТУРЛИ ХИЛ МАРКАДАГИ ПИАНИНОЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:

«ЛАСТОЧКА»— баҳоси 650 ва 675 сўм. Унинг корпуси қимматбаҳо ёғочдан ишланган;

«НОКТЮРН». 2 педалли модератор механизми бўлмаган чолғу асбобнинг баҳоси — 675 сўм. 3 педалли, модератор механизмлиси — 690 сўм. Овоз диапазони — 7¼ оттава. Пианино ҳозирги замон квартираларига мослаб, қатъий формада тайёрланган:

«БЕЛОРУСЬ», «ЛИРИКА», «РОСТОВ-ДОН» шулар жумласидандир.

«ПРЕЛЮДИЯ-2» электр органи—полифоник музика асбоби бўлиб, унча катта бўлмаган концерт заллари, клублар, театрларда классик ва замонавий орган музикаларини ижро этишга мўлжалланган.

«МУЗИКА АСБОБЛАРИ» БЎЛИМИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН:

аккордеонлар — «ОРИОН», «АККОРД»;
баянлар — «ТУЛА-201», «ЮНОСТЬ», «ЮНОСТЬ-2»;
электр гитаралар — «ТОНИКА», «ТОНИКА-БАС», «АЭЛИТА», «ФОРМАНТА», «ЛЕНИНГРАД»;
етти торли гитара баҳоси 18 сўмдан 40 сўмгача;
Киев шаҳрида ишлаб чиқарилган барабанлар (катта ва кичик);
флейтлар, саксафон-тенор (ГДР), саксафон-альт, саксафон-альт «Е» (ГДР) саксафон-баритон, саксафон-тенор (ЧССР); саксафон-тенор (СССР);
скрипкалар, контрабаслар (ГДР);

«РИТМ» ва «МИНИ» уриб чалинадиган асбоблар, тамбурин, доира;

МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ИШҚИБОЗЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

«ҚАШҚАР», «ПРИМА», «МЕЦЦО-СОПРАНО» рубоблари;

«КОНТРОБАС», «БАС», «ПРИМА», «СЕКУНДА» дуторлари;

най;
«Прима» домбираси, банджо.



ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

«МУЗИКА АСБОБЛАРИ» бўлимидан Сиз пианинолар учун табуреткалар ва стуллар, доира учун ғилоф, фортепьяно, баян, аккордеон, гитара ўрганувчилар учун қўлланмалар, скрипка, гитара ва миллий чолғу асбоблари учун тор сотиб олишингиз мумкин.

Товарларни кредитга, пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотиб олиш мумкин.

«МУЗИКА УЙИ» Халқлар дўстлиги проспекти, 4-уйда жойлашган (Чилонзор массиви, 5-квартал). 6, 11-троллейбусда; 4, 9, 11-трамвайда; метрода «Ҳамза» бекатигача бориш мумкин.

ИШ ВАҚТИ: соат 10.00 дан 19.00 гача. **Танаффус 14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш куни—якшанба.**

«ТАШҲОЗКУЛЬТТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Қутбга йўл». Мактаб ўқувчиларининг «Комсомольская правда» газетаси ўтказган «Шимолий қутб» экспедицияси иштирокчилари билан учрашув. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Л. Бетховен. «Кориолан» увертюраси. 19.40 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. «Ленин ҳақида ҳикоялар». Бадиий фильм. «Мосфильм». 1957 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Нима! Қаерда! Қачон?» Телевизион викторина. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Жаҳон халқларининг ижоди».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм. 18.30 «Ўсмир ва қонун». 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.15 «Комплекс механизация — пахтачиликнинг бош йўналиши». 19.30 Футбол бўйича Х халқаро ўсмирлар турнири. СССР—Венгрия. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган). 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Романтика» телевизион театри. Нозим Ҳикмат. «Ажал шамшири» 2-қисм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Совет давлати ва қонуқи асослари. «Жиноят қуқуқи». 20.35 Янгиликлар. 20.55 «Зарбдор меҳнатимиз — беш йилликнинг якунловчи йилига». 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.25 Ўзбек совет шоирларининг шеърлари. Ўзбекистон ССР халқ артисти Е. Аҳмедов ўқийди.

28 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горнчилар, қардасизлар». 10.35 «Ленин ҳақида ҳикоялар». Бадиий фильм («Мосфильм»). 1957 й. 12.25 Б. Сметананинг «Менинг Ватаним» туркуми симфоник поэмаларини Чехословакия радиосининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Я. Кромгольц. Кўрсатув тугагач (13.05) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Оловли рейслар». («Экран»). 16.15 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ». Кўрсатувни халқаро мастер Л. С. Белавенец олиб боради. 16.45 «Ярослав Гашек». Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.30 «Миллионлар ленинча университети». «Мактаб. Коммунистик тарбия проблемалари». 18.00 «Донра оҳанглари». Ўзбекистон ССР Давлат «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 18.30 «Биз БАМни қуряпмиз». 19.00 «Дунё воқеалари». 19.15 «Шундай кун келади». Телевизион бадиий фильм премьераси 1 ва 2-серияллар. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан «Молдовафильм». 1979 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.30 «Дунё воқеалари». 22.45 «Музикальная жизнь» телевизион журнали.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 12.00 «Озодлик сўлдъларн». Бадиий фильм 4-фильм. 13.45 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси (такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 20.15 «Ҳамзаобод». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Раққоса ҳиром этганда». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. НУЛДОШЕВА. Музикали кўрсатув (такрорий). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Грязнова (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Китоб — бизнинг дўстимиз» (рус). 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.55 «Қонун қўриқчилари» (рус). 22.25 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Кино».

«Ўзбекфильм» киностудияси коллективи постановкачи кинорежиссёр А. Исмоиловга онаси

Хатира ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 Тошкент бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва қуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-84; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашрёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

27 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р — 07102. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2068.